
САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Аҳолининг барча қатламлари билан тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш, ечимини кутаётган долзарб муаммоларни жойида аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш мақсадида туман ҳокими бошчилигида туманимиздаги “Ёйилма” маҳалласида сектор раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда фуқаролар томонидан ишга жойлашиш, тоза ичимлик суви, соғлигини тиклаш, моддий ёрдам олиш, электр энергиясидаги носозликларни бартараф этиш, йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш каби масалалар борасида 20 дан зиёд таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Туман ҳокими сайёр қабул давомида аҳоли вакиллари томонидан билдирилган масалаларга аниқ ва тезкор чоралар қўриш бўйича тегишли идора раҳбарларига топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди. Мурожаатларнинг 5 таси жойида ҳал этилди.

2022-04-25 15:00:00